

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Бошқарув раисинининг  
Биринчи ўинбосари**



**Б.И. Жураев**

**2022 г.**

**“Иссиқлик электр станциялари” АЖ тизим корхоналарнинг  
 (“Issiqlik elektr stansiyalari” АЖ ягона акциядори – Ўзбекистон  
 Республикаси Молия вазирлиги ва “Taxiatosh IES” АЖ, “Navoiy  
 IES” АЖ, “Sirdaryo IES” АЖ, “Toshkent IES” АЖ, “Muborak IEM”  
 АЖ, “Toshkent IEM” АЖ, “Farg‘ona IEM” АЖ ва “То‘рақо‘рг‘он  
 IES qurish direksiyasi” УК) қимматли қоғозлар бозорида  
 консалтинг хизматларини кўрсатиш бўйича инвестиция  
 маслаҳатчиси танлаш бўйича консалтинг хизматларини  
 кўрсатиш бўйича**

## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

---

**Буюртмачи: “Иссиқлик электр станциялари” АЖ**

**Тошкент-2022**

## МУНДАРИЖА:

### I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

1.1 Хизмат номи

1.2 Хизматларни сотиб олиш асослари ва мақсади

1.3 Кўрсатиладаган хизматнинг ҳажми

1.4 Хизмат кўрсатиш / ишлаб чиқиш босқичлари

### II. ИШТИРОКЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

### III. ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ МУДДАТИ

### IV. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖОЙИ

### V. ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН БОШҚА ТАЛАБЛАР

# I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

## 1.1. Хизмат номи

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ тизим корхоналарнинг (“Issiqlik elektr stansiyalari” АЖ ягона акциядори – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва “Taxiatosh IES” АЖ, “Navoiy IES” АЖ, “Sirdaryo IES” АЖ, “Toshkent IES” АЖ, “Muborak IEM” АЖ, “Toshkent IEM” АЖ, “Farg‘ona IEM” АЖ ва “То‘рақо‘рг‘он IES qurish direksiyasi” УК) қимматли қоғозлар бозорида консалтинг хизматларини кўрсатиш бўйича инвестиция маслаҳатчиси танлаш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш.

## 1.2. Хизматларни сотиб олиш асослари ва мақсади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги 126-сонли “Энергетика вазирлиги хузурида “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

## 1.3. Кўрсатиладаган хизматнинг ҳажми.

“Issiqlik elektr stansiyalari” АЖ томонидан қўшиб олинаётган 8 та (“Taxiatosh IES” АЖ, “Navoiy IES” АЖ, “Sirdaryo IES” АЖ, “Toshkent IES” АЖ, “Muborak IEM” АЖ, “Toshkent IEM” АЖ, “Farg‘ona IEM” АЖ ва “То‘рақо‘рг‘он IES qurish direksiyasi” УК) қуйидаги хизматларни амалга ошириш:

1.	<p>“ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” АЖ қимматли қоғозларини қўшимча чиқариш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш, қуйидаги асосий йўналишларни бандларини асослаш:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усулини белгилаш (очиқ ёки ёпиқ обуна);</li><li>- ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддатини белгилаш;</li><li>- ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартибини белгилаш;</li><li>- ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартибини белгилаш;</li><li>- ушбу чиқарилишдаги акцияларни тўлаш шартлари ва тартибини белгилаш;</li></ul>	<p>Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари 31 банд [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000]</p>
2.	<p>қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилишлари баённомалари лойиҳаларини тайёрлашда қўмаклашиш</p>	

3.	Рўйхатдан ўтказувчи органга давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этишда кўмаклашиш ва қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ёрдам кўрсатиш	
4.	“ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI” акциядорлик жамиятининг қўшимча акциялар чиқарилишини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга олиш учун топшириш	
5.	Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни қонунчилик ҳужжатлари ва Қоидаларда белгиланган тартибда ошкор қилиш	
6.	Чиқарилган қўшимча акцияларни жойлаштиришга ёрдам бериш	
7.	Рўйхатдан ўтказувчи органга қўшимча акциялар чиқарилиши натижалари тўғрисида билдиришнома тақдим этиш	
8.	“Taxiatosh IES” AJ, “Navoiy IES” AJ, “Sirdaryo IES” AJ, “Toshkent IES” AJ, “Muborak IEM” AJ, “Toshkent IEM” AJ, “Farg‘ona IEM” AJ AJ акция чиқарилишларини ягона давлат реестридан чиқаришга ёрдам бериш	100. Қимматли қоғозлар чиқарилишини ЯДРдан чиқариш қимматли қоғозлар чиқарилишига аввал берилган давлат рўйхат рақамини бекор қилиш орқали қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади: б) эмитент қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда;
9.	Жамиятларнинг бошқарув органининг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорини қабул қилиш	
10.	Акциялар чиқарилишларини ягона давлат реестридан чиқариш учун ҳужжатларни тақдим этиш: - жамиятлар бошқарув органининг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси; - қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (қарорлар) ва рисола (рисолалар), шунингдек, уларга киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг (ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган тақдирда) асли (асллари). Кўрсатилган ҳужжатларнинг асллари йўқотилган тақдирда йўқотиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги эълон нусхаси; - жамиятларни қайта ташкил этилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги	102. Қимматли қоғозлар чиқарилишини ЯДРдан чиқариш учун эмитент рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт: (қайта ташкил этилган тақдирда)

эълон нусхаси; - акцияларни бошқа жамият акцияларига айирбошланиши амалга ошириладиган жамият акциядорлари реестрининг нусхаси.	
--	--

#### **1.4. Хизмат кўрсатиш / ишлаб чиқиш босқичлари**

Буюртмачи иш бошланишидан олдин Ижрочи ўртасида қай усулда ёндашиш ва методологияларни муҳокама қилиш учун учрашувни ташкил қилади.

## **II. ИШТИРОКЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Ижрочи “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти тизим корхоналарининг индивидуал фаолияти бўйича корпоратив бошқарув тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни, шу жумладан халқаро лойиҳаларни амалга оширишда етарли тажрибага, шунингдек ишларни талаб даражасида бажариш учун зарур билим ва ресурсларга эга бўлиши керак, яъни:

Энергетика соҳасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки ёки Осиё тараққиёт банки бўйича камида 1 дона когсальтинг хизматини амалга оширган бўлиши керак;

Энергетика соҳасида қимматли қоғозлар бозорида консалтинг хизматларини кўрсатиш бўйича инвестиция маслаҳатчиси хизматини бажарган камида 5 (беш) та ташкилотнинг рўйхатини кўрсатиши керак;

штатида доимий равишда фаолият кўрсатаётган ходимнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси давлат томонидан берилган дипломга эга бўлиши керак.

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштирокчи сифатида иш тажрибаси эга бўлиши керак;

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги лицензиялари нусхаларини тақдим этиш керак.

Жамият ҳақида умумий маълумотлар тақдим этиш керак;

Қимматли қоғозлар бозори мутахассиси(лар)нинг малака сертификатининг нусхаси (камида 2 та бўлиши керак);

Ушбу вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, энг яхши таклифни танлашнинг барча потенциал иштирокчиларига техник шартларга мувофиқ ўз ресурслари ва лойиҳани амалга ошириш қобилиятини танқидий баҳолаш тавсия этилади.

## **III. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУДДАТИ**

“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамиятининг тизим корхоналари (“Taxiatosh IES” AJ, “Navoiy IES” AJ, “Sirdaryo IES” AJ, “Toshkent IES” AJ, “Muborak IEM” AJ, “Toshkent IEM” AJ, “Farg‘ona IEM” AJ

ва “То‘рақо‘рг‘он IES qurish direksiyasi” UK) томонидан корпоратив бошқарув тизими бўйича ҳисоботларни тайёрлаш жараёнини (жараёнларини) таҳлил қилишда, консалтинг хизматларини кўрсатишда ижрочи барча тегишли Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олиши керак. Ижрочи лойиҳани амалга ошириши учун умумий стратегия ва батафсил режани ишлаб чиқиши, кўлами, вақти ва умумий йўналишини ақс эттириши ва ушбу стратегия ва режани буюртмачи билан мувофиқлаштириши керак.

Иш фаолияти давомида томонлар умумий стратегия ва амалга ошириш режасига зарур ўзгартиришлар киритиш тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

Ижрочи шартнома тузилган кундан кечиктирмай хизматларни тақдим этишни бошлаши ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши керак.

“Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамиятининг юқорида кўрсатилган консалтинг хизматларини кўрсатиш ишларини яқунлаш муддати 2022 йил 30 ноябрдан кечикмаслиги керак.

Тугатиш муддати пудратчи билан ёзма келишув асосида ўзгартирилиши мумкин.

#### **IV. ХИЗМАТ КўРСАТИШ ЖОЙИ**

Ишлар ва хизматлар кўрсатишнинг асосий манзили: “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, танловнинг буюртмачиси (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Бунёдкор шох кўчаси 23, Тошкент, Ўзбекистон, 100097.

#### **V. ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚўЙИЛАДИГАН БОШҚА ТАЛАБЛАР**

Барча бажариладиган ишлар халқаро шартномалар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, иш ва хизматлар хавфсизлиги талаблари ҳамда уларнинг натижаларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Буюртмачи томонидан тақдим этилган барча маълумотлар махфийдир. Буюртмачи томонидан тақдим этилган марча маълумотлардан қатъий равишда ушбу техник топшириқ шартларини бажариш учун фойдаланилади ва Буюртмачининг махфий маълумотларни ошкор қилмасликга, бошқа йўл билан учинчи шахсларга бермаслик ва бошқа усулда фойдаланмаслик мажбуриятини олади, бундан ташқари маълумотларни нашр этиш, ошкор қилиш ёки бошқа тарзда тарқатиш тақиқланади.

**Ишлар ва хизматлар сифатининг кафолати:** хизматларни тўлиқ тақдим этиш ушбу техник топшириқга мувофиқ уларнинг ҳажми ва сифатига қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак. Ижрочи мижозга унинг айби билан етказилган зарарни қоплаши керак.

**Ишлаб чиқилган:**

**КМБ бошлиғи**



**Равшанбеков Ғ.Р.**

**Келишилган:**

**Бошқарув раисининг  
ўринбосари**




**Джураев А.Т.**

**Бош бухгалтер**



**Ахмаджонов А.К.**

**ИПББ бошлиғи**



**Арзиходжаев А.М.**

**БЭШРЭЖБ бошлиғи**



**Нишонходжаев Б.Т.**

**ХТО бошлиғи**



**Сабиров М.Ф.**